Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 133 (20. 700) • 1990 йил 10 июнь, якшанба • Баҳоси 3 тийин.

ДАСТУРИЛАМАЛ ТАЙЁРЛАНМОҚДА

КПССнинг XXVIII съезди муҳокамасига тақдим этиладиган дастуриламал бутун халқнинг ақл-заковатини ўзида мужассамлаштириши, совет жамиятини жипслаштиришнинг ишончли асоси бўлиб хизмат қилиши лозим. КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи коммунистлари анжуманига тайёргарлик комиссияси ишчи группасининг 8 июнь куни Москвада бўлиб ўтган иккинчи мажлисида шу ҳақда гаплашиб олинди.

Мажлисни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг котиби В. А. Медведев бошқарди. У биринчи мажлисдан кейин ўтган вақт ичида анча ишлар қилинганини таъкидлади. Дастуриламалнинг анча янгиланган матни тайёрланди. У коммунистларнинг мактублари ва мурожаатларида, матбуот мақолаларида, муқобил ҳаракат дастурларида билдирилган кўпгина мулоҳазалар ва таклифларни ўз ичига олган.

КПСС Марказий Комитетининг котиби қайта ишланган ҳужжатнинг тузилиши ва мазмунида пайдо бўлган янгиликларни алоҳида таъкидлаб, бутун диққат-эътиборни уни тайёрлашнинг якунловчи босқичида ҳисобга олиниши лозим бўлган асосий муаммоларга қаратишни таклиф қилди. Хусусан, съездолди мунозарларида, айниқса ўткир баҳсларга сабаб бўлаётган партиянинг қайта қуришдаги мавқеи ва ўрни, унинг ижтимоий негизи, КПССнинг иқтисодий ислоҳот соҳасидаги сиёсати, жамиятимизда вужудга келган тангликнинг характери, сабаблари ва уни бартараф этиш йўллари тўғрисидаги масалалар яна бир бор ҳар томонлама ва чуқур таҳлил этилиши ҳамда тайёрланаётган матнда акс эттирилиши зарурлигига эътибор қаратилди.

Бу масалалар қизғин муҳокама марказида бўлди. Муҳокамада Чернигов педагогика институти сиёсий тарих ва социализм назарияси кафедрасининг мудири В. К. Молочко, Владимир Ильич номли Москва электр-механика заводи илмий-инженерлик маркази бошлиғининг ўринбосари А. Е. Федотов, КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи котиби Ю. А. Прокофьев, СССР Авиация саноати министрлиги иқтисодиёт, режалаштириш ва бошқарув илмий-тадқиқот институтининг бошлиғи А. С. Исаев, Москвадаги Микоян номли завод партия ташкилотининг котиби С. И. Горюшкин, Минск соатсозлик заводи партия комитетининг котиби В. В. Чикин, СССР Табобат фанлари академияси Бутуниттифоқ кардиология илмий маркази директорининг ўринбосари В. В. Кухарчук, СССР Министрлар Кенгаши ҳузуридаги Халқ хўжалиги академиясининг проректори П. Г. Бунич, «Заря Востока» газетасининг муҳаррири В. В. Кешелава, «Диалог» журналининг бош муҳаррири В. Д. Попов, Бошқирдистон давлат дорилфунуни партия комитетининг котиби С. Н. Лаврентьев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг котиби Л. Н. Зайков, КПСС Москва шаҳар Ленин район комитетининг биринчи котиби В. Н. Сеньков, СССР Фанлар академияси фалсафа институтининг директори В. С. Степин, В. И. Ленин номли Москва давлат педагогика институтининг проректори, СССР психологлар жамиятининг раиси Ю. М. Забродин, КПСС Марказий Комитети Идеология бўлимининг мудири А. С. Капто иштирок этдилар.

Сўзга чиққанларнинг аксарияти КПСС XXVIII съезди делегатлари бўлиб, улар яқиндагина сайловолди чиғириғидан омон-эсон ўтишган. Мунозаранинг руҳини мана шу кишилар белгилаб беришди. Ҳақиқий турмуш муаммоларини назарда тутиб иш кўриш, тайёрланаётган ҳужжатни объектив вазият (жамиятдаги танглик, ижтимоий кескинликнинг ўсиши, партияда турли ҳаракат дастурларининг пайдо бўлиши ва ҳоказо) билан қиёслаш айниқса муҳимлиги уқтирилди. Партиянинг асосий мақсадларини белгилаш, социализм ва коммунистик истиқболнинг замонавий тушунчалари хусусида ҳали анчагина ноаниқликлар борлиги тўғрисида гапирилди. Қайта қуриш даврида йўл қўйилган хатоларни батафсилроқ таҳлил қилиш истаги билдирилди. Вазиятни соддалаштирмай, жамият ривожланиши жараёнларининг объектив қонуниятлари ва жараёнларини очиш лозимлиги тўғрисида огоҳлантирувчи фикрлар айтилди. Бунда ўзини ўзи фош қилиш билан халқни эргаштириб ва илҳомлантириб бўлмаслиги таъкидланди.

Бугун партиянинг ўзи нима-ю, у қандай бўлиши кераклиги тўғрисидаги масала қизғин муҳокама қилинди. Нотиқлар партияни туб ислоҳ қилишга бағишланган бўлимни етарлича аниқ эмас дедилар. КПССнинг ижтимоий негизи тўғрисидаги масала ойдинлаштирилиши зарур.

Иқтисодий масалалар ва аввало бозор иқтисодиётига, мулкчилик шаклларининг хилма-хиллиги билан боғлиқ бутун муаммолар мажмуига муносабат жўшқин мунозарага сабаб бўлди.

Кўпгина нотиқлар тақдим этилган дастуриламал лойиҳаси ҳануз юзакилигини, фикр-мулоҳазаларнинг ноаниқлиги учун уни танқид қилдилар, унинг ҳажми анча қисқартирилишини таклиф этдилар. Умуман эса, дастуриламалнинг янгиланган нусхаси КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига илгари эълон қилинган Ҳаракат дастури лойиҳасига нисбатан дурустроқ экани таъкидланди.

Ҳужжат устидаги бундан буёнги ишни съезд делегатларининг, шунингдек муқобил ҳаракат дастурлари муаллифларининг кенг иштирокида олиб бориш мақсадга мувофиқ деб топилди.

Ишчи группа мажлиси тўғрисидаги батафсил ҳисобот «Правда» газетасида эълон қилинади.

(ТАСС).

ДЎСТЛИК ВА ҚАРДОШЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАЙЛИК!

Ўзбекистон Компартияси XXII съезди якунлари қизғин маъқулланмоқда

Дилимиз билан байналмилалчилармиз

Ўзбекистон Компартияси XXII съездининг коммунистларга, жумҳуриятнинг барча халқларига Мурожаатини бирлашмамиз, меҳнат коллективларида ишлаётган минглаб коммунистлар, партиясиз ва комсомол-ёшлар қатори мен ҳам чуқур ҳаяжон билан ўқиб чиқдим.

Дарҳақиқат, мамлакатимиз оғир аҳволни бошдан кечирмоқда. Қайта қуришнинг ташаббускори бўлган Коммунистик партия мамлакатимизни мана шу оғир аҳволдан тезроқ олиб чиқиш чораларини кўряпти. Ҳаётимиз секинлик билан бўлса-да, ўзгариб бормоқда. Лекин айнан шу ўзгаришлар кимларгадир ёқмаяпти. Бундай кучлар иқтисодиётимиз ва ижтимоий соҳалардаги қийинчиликларни рўкач қилиб, халқлар ўртасига нифоқ солишга, миллатчилик ва шовинизм уруғларини ёйишга ва буларнинг барчасида Коммунистик партияни айбдор қилиб кўрсатишга уринмоқдалар.

Мен қорақалпоқ миллатига мансубман. Корхонамизда мен билан бирга ўзбек, рус ва қозоқ, туркман ва татар миллати вакиллари ҳам ишлашади. Бизнинг мақсадимиз Оролбўйидаги аҳволни яхшилашга, у ердаги аҳоли учун кўплаб турар-жой объектлари, маданий-маиший бинолар қуришга қаратилган. Шу ниятда бирлашмамиз бўлинмаларида 305 миллион сўмлик капитал қурилиш ишларини бажаришни мўлжаллаб қўйганмиз.

Ҳозир ҳамжиҳатлик билан қилинаётган меҳнат ўз самарасини бермоқда. Лекин туб ўзгаришга эришиш учун ҳали кўп иш қилишимиз зарур. Бунинг учун митингбозлик қилмай, бекорга вақт ўтказмасдан, ўз вазифамизга масъулият билан ёндошиб меҳнат қилишимиз зарур. Шу ўринда Ўзбекистон Компартияси XXII съезди делегатларининг Мурожаатида таъкидланган мана бу мулоҳазани эслатиб ўтмоқчиман: «Меҳнат деган тушунча барча халқлар тилларида бир маънони англатади. Русча ёки ўзбекча, қозоқча ё тожикча, корейсча ё татарча ёки қорақалпоқча меҳнат бўлмайди. Меҳнат, пешона тери тўкиш ўз табиатига кўра барча миллат ва халқлар учун бир хил байналмилал тушунчадир».

Шундай экан, биз, ишчилар бошқа соҳа кишиларига ҳам ўрнак бўлишимиз, куч-ғайрат кўрсатиб ишлашимиз ва ҳеч қачон орамизда миллатчилик уринишларига, шовинизмга йўл қўймаслигимиз, аксинча, бундайларга қарши кескин курашмоғимиз лозим. Ана шундагина ютуқларимиз кўпаяверади. Олдимизга қўйилган муаммоларни ҳал қилиш имконияти туғилади.

Ж. УТЕНИЁЗОВ,
«Аралводстрой» ихтисослашган қурилиш бирлашмаси 26-механизациялашган кўчма колоннаси дурадгорлар бригадаси бошлиғи.

Аҳиллликка ундайман

Улуғ Ватан уруши арафасида мактабда муаллимлик қилардим. Партия сафига шу даврда, 1939 йилда қабул қилиндим. Жонажон партия йўлланмаси билан Катта Фарғона канали қурилишида фаол қатнашдим. Канални бунёд этишда 40 мингга яқин одам иштирок этди. Ўшанда канал қурувчилари аҳволидан хабар олгани Ўзкомпартия Марказкомининг биринчи котиби Усмон Юсупов келгани ҳали-ҳамон ёдимда. Озиқ-овқат таъминотига жавобгар шахслардан бири бўлганим учун гап орасида унга қурувчилар учун егулик оз эканлигини, улар ҳолдан тойишаётганини очиқ айтдим. Шундай оғир даврда бўлишига қарамай, Усмон ота тез орада бизга бир вагон оқ қанд, бир вагон макарон ва кийимбош юбортирди.

Ўзбекистон Компартияси XXII съездининг коммунистларга, жумҳуриятимиз барча халқларига Мурожаатини ўқиб, беихтиёр ана шу қисқа муддатли катта канал қурилиши ёдимга тушди. Ўшанда турли миллатга мансуб одамлар ягона мақсад йўлида фидойилик билан меҳнат қилишганди. Халқ бирлашса, унинг куч-қудрати нималарга қодир бўлишини ўшанда яққол тасаввур этганман. Шунинг учун ҳам жумҳуриятимизнинг турли миллатга мансуб барча фуқаролари ҳар қандай ўринсиз гина-кудуратларни, манманлик ва маҳдудликни йиғиштириб қўйиб, ўзаро ишонч ва меҳр-оқибат, аҳиллик билан ҳаракат қилсалар, ўйлайманки, турмушимиздаги кўпгина ижтимоий-иқтисодий муаммоларни юқоридан ёрдам кутмай ўз кучимиз билан ҳам ҳал қилишимиз мумкин. Республикамиздаги ички миллий масалаларни оқилона ҳал этиш ва муносабатларни барқарорлаштириш ҳам ўз қўлимизда. Шу боис Мурожаатда қайд этилган: «Жумҳуриятимиз гуллаб турган, фаровон, бағри тинч макон бўлажак. Зеро, барчамизнинг орзу-армонимиз ҳам шундан иборат-ку! Лекин бу армонларнинг ушалиши учун ягона бир шарт бор: У ҳам бўлса, одамлар орасида дўстона, инсоний муносабат, халқлар биродарлиги, миллату элатларнинг тенг ҳуқуқлигидир», — деган фикрларга чин дилдан қўшиламан. Жумҳуриятимиз чиндан ҳам ҳар вақт бағри тинч макон бўлишига, унинг фаровонлашиб боришига ишонаман. Зотан, катта мушкулликлар билан бўлсада, республикамиз иқтисодиёти ўнгланиш йўлига кираётир.

Бугунги ана шундай қийин вазиятда ўлкамиздаги 700 мингга яқин фирқа аъзосининг ҳар бири одамлар орасига ҳар қандай нифоқ солувчиларга қарши, шовинизмга ва миллатчиликка қарши қатъий курашмоғи, ўзи меҳнатда ўрнак бўлиб, ҳозирги миллий сиёсатимизни одамларга ўз оддий сўзи билан тушунтирмоғи лозим. Шахсан мен, меҳнат ветерани ва кекса коммунист сифатида доимо одамлар орасидаман. Уларни аҳилликкга ва меҳр-оқибатли бўлишга ундайман, дўстликни ҳамма вақт қадрлашга, унинг қудратли кучини мушкулотларимиз ечимини топиш йўлида сарфлашга чорлайман!

А. САМАДОВ,
меҳнат ветерани, «КПСС сафида 50 йил» нишони соҳиби.
Ховос райони.

ЯНГИЛИК САМАРАСИ

Тошкент тўқимачилик комбинатида ишчилар сони ўн мингдан зиёд. Улар иқтисодий кўрсаткичларни яхшилаш учун маслаҳат билан иш тутишди: турдош корхоналар орасида биринчи бўлиб ижара усулида ишлашга ўтишди.

Янгича иқтисодий муносабатларнинг қувонарли натижалари кўзга ташланаётир. Йилнинг ўтган ойлари мобайнида фойда олиш, асосий ишлаб чиқариш кўрсаткичлари бўйича кўзланган марра эгалланди.

Умуман бу йил 25 миллион сўм соф фойда олиш мўлжалланган.

● Суратларда: 1. Тўқувчи Дилором Улухмуродова корхонада уч йилдан бери меҳнат қилади. У Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти талабаси. 2. Ижара бўлимида юз берган аҳволни муҳокама қилиш учун корхона етакчи мутахассислари келишди: бригада бошлиғи Л. Юдович (чапдан), йигирув-тўқув фабрикаси бош инженери Т. Алимуҳамедов бош директор Б. Эргашев, комбинат бош инженери В. Шименова ва меҳнат ҳамда иш ҳақи бўлими бошлиғи Ф. Урунбоева ўзаро суҳбатда.

Суратқаш Б. ЮСУПОВ (ЎзТАГ).

АНДИЖОН:

МАРРА ЭГАЛЛАНДИ

Бу вилоят «қумуш тола» ижодкорлари ғалаба марасига етиб келдилар. Улар давлат қабул пунктларига 4100 тонна ўрнига 4155 тонна пилла топшириб, планни ортиғи билан бажардилар. Ҳар қутидан 61,4 килограмм ўрнига 72,3 килограммдан пилла олинди. Ҳосилнинг 92 фоизи биринчи навга қабул қилинди. Ипак қуртларининг ўсиши ва ривожланишида «Барака-82», «Микрофит» ва «АТ-20» препаратларидан унумли фойдаланиш муҳим омил бўлди. Илғор агротехника, фан ютуқларини ишлаб чиқаришга кенг жорий этган Комсомолобод, Бўз, Балиқчи, Москва, Олтинкўл, Ленин, Андижон, Избоскан, Пахтаобод ноҳияларининг пиллачилари топшириқни 110-140 фоиз атрофида адо этдилар. Айни пайтда юзлаб пиллачилик бригадаларининг меҳнати ҳам самарали бўлди. Жумладан, Балиқчи районининг «Ленинград» колхозидан Ваҳобжон Эргашев, Москва районининг Ленин номли колхозидан Илтифотхон Мўйдинова, Ленин районининг «Ўзбекистон» колхозидан Назирбек Раҳимов, Олтинкўл районининг «1 Май» колхозидан Ғойибберди Тешабоев, Андижон районининг Ленин номли совхозидан Абдуҳошим Рашидов, Қўрғонтепа районининг «Савай» совхозидан Рўзимат Мадраҳимов, Москва районининг Усмон Юсупов номли колхозидан Нўъмонжон Нуралиев, Хўжаобод районининг «Правда» колхозидан Муҳаммаджон Омонов, Марҳамат районининг Свердлов номли колхозидан Абдурашид Сатторов, Бўз районининг Карл Маркс номли колхозидан Олимжон Нажмиддинов, Избоскан районининг Карл Маркс номли колхозидан Омадхон Тўхтасинова, Комсомолобод районининг «Дўстлик» совхозидан Насибахон Нуралиева, Пахтаобод районининг «Маданият» совхозидан Нуриддинбек Умрзоқовлар бошчилик қилаётган бригадаларда ҳосилдорлик ҳар қути ҳисобига 80-90 килограммга етказилди.

Эндиги вазифа — қабул қилиб олинган пилла ҳосилининг табиий сифатини тўла сақлаб қолиш, уларга сифатли биринчи ишлов бериш, йилни зарарсиз, планда белгиланган фойда олиш билан якунлашдан иборатдир.

САМАРҚАНД:

МАЖБУРИЯТ ҲИСОБИГА

Самарқандликлар ҳам съездлар йилини муваффақиятли тугаллаш учун ҳаракат қилмоқдалар. Чунончи, пиллачилар пилла тайёрлаш топширигини ado этдилар. Давлатга 3310 тонна қимматбаҳо тўқимачилик саноати хом ашёси етказиб бердилар. Ялпи ҳосилнинг асосий қисми юқори навларга қабул қилинди. Вилоят бўйича ҳар қути қурт уруғидан ўртача 59 килограммдан, яъни планда кўзда тутилганидан 9 килограммдан кўп «кумуш тола» йиғиштириб олинди. Шу билан вилоят пиллакорлари бу борадаги беш йиллик планни ҳам муваффақиятли уддаладилар. Ҳозирга қадар давлатга 18 минг тоннага яқин хом ашё етказиб берилди.

Эришилган меҳнат муваффақиятига иштихонликлар 482, каттақўрғонликлар 350, хатирчиликлар 336, пайариқликлар 326, оқдарёликлар 320, пахтачиликлар 306 тонналик «кумуш тола» хирмони билан салмоқли ҳисса қўшдилар.

Иштихон районидаги «Меҳнат — роҳат», Ленин номли, Каттақўрғон районидаги «Правда», Ленин номли, Пахтачи районидаги «Зарафшон», Киров номли, Хатирчи районидаги «Коммунизм», «Ўзбекистон», Нарпай районидаги «Октябрь», «Иттифоқ», Пайариқ районидаги Навоий номли, «Москва», Пастдарғом районидаги «Комсомол, «Ленинобод», Самарқанд районидаги Улуғбек номли, Максим Горький номли, Оқдарё районидаги «Янгиобод», «Партия XXII съезди», Большевик районидаги «Чимбойобод», «Память Ленина» жамоа хўжаликлари, Жомбойдаги Аҳмаджон Қурбонов номли, Советобод районидаги «Жом», «Қарнаб» давлат хўжаликлари ва Ургут районидаги «Москва» жамоа хўжалиги пиллакорлари ҳосилдорлик бобида юқори кўрсаткичга эришдилар.

Ўзбекистон Компартияси XXII съезди қарорларидан руҳланган самарқандлик пиллакорлар қабул пунктларига яна 400 тонна сифатли «кумуш тола» топширишга аҳд қилдилар.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президентининг Фармони

ЛИТВА ССРНИНГ «ЛИТВА ДАВЛАТИ МУСТАҚИЛЛИГИ ТИКЛАНИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН АФВ ЭТИШ ҲАҚИДА»ГИ ҚОНУНИ ТЎҒРИСИДА

Литва ССР Олий Совети 1990 йил 8 май куни «Литва давлати мустақиллиги тикланиши муносабати билан афв этиш ҳақида» қонун қабул қилди.

Мазкур қонуннинг 8-моддасига мувофиқ 1990 йил 11 мартга қадар республика территориясида жиноят қилган барча шахслар афв этилади. Ушбу норма Литва ССР Конституциясининг 77-моддаси 14-бандига зиддир, унда фақат республика судлари томонидан ҳукм қилинган фуқароларга нисбатан афв эълон қилиш республика ихтиёрига берилган.

Литва ССР Олий Советининг ҳужжати фуқароларнинг ҳуқуқларига дахлдорлигини эътиборга олиб ва СССР Конституцияси 127³-моддаси 1-бандига асосан **қарор қиламан:**

1. СССР Ички ишлар министрлиги Литва ССРнинг 1990 йил 8 майда қабул қилинган «Литва давлати тикланиши муносабати билан афв этиш ҳақида»ги қонунининг ССР Иттифоқи ва бошқа иттифоқдош республикалар судлари томонидан ҳукм этилган СССР фуқароларига нисбатан ижро этилишини истисно этувчи чораларни кўрсин.

2. Шунга асосланиш керакки, СССР Бош прокурори Литва ССРнинг 1990 йил 8 майда қабул қилинган «Литва давлати тикланиши муносабати билан афв этиш ҳақида»ги қонуни СССР Конституцияси ва Литва ССР Конституцияси талабларига қатъий мувофиқ равишда бажарилиши устидан назоратни таъминлайди.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президенти М. ГОРБАЧЕВ.

Москва, Кремль.

1990 йил 8 июнь.

• *Пилламиз—тилламиз*

Буюк Британия Бош министрининг ташрифи

М. С. Горбачев билан М. Тэтчернинг учрашувлари ҳозирги халқаро сиёсатнинг зарур ва муҳим жиҳати бўлиб қолди. Британия Бош министри Совет Иттифоқига бу гал Совет—Британия муносабатлари тарихидаги муҳим воқеа — «СССРда Буюк Британия кунлари» муносабати билан келганлиги учунгина эмас, шу билан бирга бу учрашув халқаро тараққиётнинг энг масъулиятли даврида бўлганлиги учун ҳам 8 июнда бўлиб ўтган учрашув алоҳида хусусиятга эга.

СССР Президенти Канада ва Қўшма Штатларга ташрифи ҳақида М. Тэтчерга сўзлаб берди. Икковлон у ерда бўлиб ўтган музокаралар аҳамиятини — уларнинг аниқ якунларигина эмас, ана шу музокаралар натижасида вужудга келган ва ҳозир айниқса Европа ҳамда жаҳондаги ижобий ривожланиш учун зарур бўлган ўзаро алоқалар имкониятларини ҳам юксак баҳоладилар.

М. С. Горбачев Варшава Шартномаси Сиёсий маслаҳат комитетининг кенгаши тўғрисида гапириб берди. Суҳбатдошлар ана шу кенгашнинг янги тусда ўтганлигини, кенгаш қатнашчилари томонидан билдирилган Варшава Шартномаси ташкилотини янги шароитга мувофиқ равишда қайта тузиш муддаоларининг принципиал аҳамиятини мамнуният билан қайд этдилар.

Германия муаммосига, Германияни бирлаштиришнинг ташқи жиҳатларига катта эътибор берилди.

Вена музокараларига келганда эса, иккала раҳбар шунга асосланадики, Европадаги оддий қурол-яроғлар ва қуролли кучларга доир битим Германияни бирлаштириш ташқи жиҳатларини йўлга қўйиш кўнгилдагидек ривожланишини ҳисобга олиб, бу йил олий даражадаги Умумевропа Кенгашида имзоланиши мумкин ва лозим.

М. С. Горбачев билан М. Тэтчер ўртасидаги муносабатларда қарор топганидек, қайта қуриш уларнинг фикрлашувларида доимий мавзудир. Бу гал ҳам қайта қуришга — айниқса унинг энг асосий вазифаларини ҳал этиш бошлаб юборилганига катта эътибор берилди.

М. Тэтчер Литва муаммоси ва умуман Болтиқбўйидаги аҳвол билан қизиқди, тарихий шарт-шароитни ва ҳозирги вазиятни яхши билишини кўрсатди. М. С. Горбачев муаммонинг бутун мураккаблиги ва зиддиятлилигини суҳбатдошига равшан кўрсатиб берди, ўзининг маълум ёндашуви: Конституция ва қонунийлик доирасида ,қайта қуриш руҳида ҳаракат қилиш зарурлигини баён қилиб берди.

* * *

М. С. Горбачев ва М. Тэтчер биргаликда журналистлар билан учрашди.

* * *

Шу куни СССР Министрлар Советининг Раиси Н. И. Рижков Буюк Британия ҳукуматининг бошлиғи билан учрашди. Рўй-рост ва норасмий фикрлашиб олиш чоғида асосий эътибор жамият сиёсий ва иқтисодий тараққиётининг мураккаб муаммоларини ҳал этишда иккала томоннинг тажрибасини қиёслашга қаратилди.

М. Тэтчер СССР иқтисодиётининг энг муҳим муаммоларига катта қизиқиш билан қаради. Ўзгартиш-ларни амалга оширишда Совет раҳбариятининг изчиллигини юқори баҳолади.

Н. И. Рижков ҳукуматда совет иқтисоднётини тубдан қайта қуришга эҳтимол тутилган ёндашувларга вужудга келган қарашлар ҳақида сўзлаб берди, бундай ёндашувлар турли даражалар ва хўжалик фаолиятига кучли ва узоқ муддатли омил бағишлаши керак.

* * *

Н. И. Рижков билан М. Тэтчер 1991—2000 йилларгача бўлган даврда СССР ва Буюк Британия ҳукуматлари ўртасида иқтисодий ҳамкорликни ва саноат соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш программасини, СССР ва Буюк Британия маданият марказларини ташкил этиш ва уларнинг фаолияти тўғрисидаги ҳукуматлараро битимни, иқтисоднётни бошқариш соҳасидаги кадрларни тайёрлашда ҳамкорлик қилиш ҳукуматлараро программасини имзоладилар.

* * *

СССР мудофаа министри Д. Т. Язов М. Тэтчер билан учрашди.

* * *

М. Тэтчер Москва шаҳар Советининг раиси Г. Х. Попов билан ҳам учрашди.

* * *

Буюк Британия ҳукуматининг бошлиғи Кремль деворидаги ёнидаги Номаълум аскар қабрига гулчамбар қўйди.

* * *

9 июнда Буюк Британия Бош министри М. Тэтчер Москвадан Киевга жўнаб кетди.

(ТАСС).

КПСС XXVIII съезди олдидан

КПСС Устави лойиҳаси ҳақида

ПАРТИЯ ФАОЛИЯТИ ҚОМУСИ

Мен Ўзбекистон Компартияси XXII съездида КПСС Устави лойиҳаси ҳақида билдирилган мулоҳазаларга қўшиламан. Айни пайтда КПСС XXVIII съездига ушбу масала юзасидан ўзимнинг хусусий фикрларимни билдирмоқчиман.

КПСС Устави партия фаолиятининг барча соҳаларини тартибга солиш учун асосий ҳужжатдир. Устав лойиҳаси ҳозир амал қилинаётган Уставдан сезиларли фарқ қилиб, унда шу кунгача партия ташкилотлари, коммунистлар билдирган фикр ва мулоҳазалар, таклифлар, мунозаралар самараси ўз ифодасини топган. Бироқ КПСС Марказий Комитети Пленуми янги Устав лойиҳасини принципиал жиҳатдан маъқуллагани ҳолда уни янада пухта ишлаб чиқиш ва халқнинг кенг табақалари фикрини билиш учун ялпи муҳокамага қўйган. Мен ҳам ана шу ҳужжат билан чуқур танишар эканман, лойиҳа матнига баъзи ўзгартишлар киритиш лозим деб ҳисоблайман. Жумладан, Устав лойиҳасининг кириш қисми иккинчи жумласидаги «... Маркс, Энгельс, Ленин ғояларини...» сўзлари ўрнига «Марксизм-ленинизм ғояларини...» деб ўзгартириши таклиф қиламан. Чунки бу таълимот В. И. Ленин таъкидлаганидек, «Догма, қотиб қолган таълимот эмас», у доимо ривожланишда, бу таълимотни нафақат доҳийлар номи билан боғлаш, балки уни амалиётни ривожлантираётган КПСС, қардош коммунистик ва ишчи партиялари, прогрессив йўналишдаги кучлар, қолаверса, сиёсий ҳаётнинг атоқли намояндалари томонидан изчил бойитиб борилаётганлигини ҳисобга олиб, ушбу жумладаги фикрни яхлит «марксизм-ленинизм ғояларини» деб ифодаланса маънонинг қамрови янада кенгроқ бўлади.

Устав лойиҳасининг 5-бандидаги «...партия аъзоси КПССдан чиқарилгандан кейин бошланғич партия ташкилотининг ёки юқори партия органининг қарорига биноан КПССга аъзолик тўхтатилади», деган гап мантиқан нотўғри тузилган деб ўйлайман. Чунки, КПССга аъзолик бошланғич партия ташкилоти ёки партия юқори органининг шу ҳақдаги қарори қабул қилиниши билан тўхтатилади, Матнда эса, партия аъзоси КПССдан тегишли қарор қабул қилинмасдан олдин чиқарилади, деган мазмун бериляпти. Бу эса ўз навбатида лойиҳанинг 18-, 23-, 32-бандлари маз мунига зид бўлган маънони ифодалайди.

Лойиҳанинг иккинчи боби 6-бандида **«Айрим ташкилотлар...» деб бошланадиган гап тузилиши жиҳатдан талабга жавоб бермайди. Менимча, ана шу сўзлардан кейин «томонидан» дегак сўз киритилиши мақсадга мувофиқдир.** Ана шундагина гап маъно жиҳатидан тўғри тузилган бўлади. Бундай ноаниқлик лойиҳанинг III боб 20-бандидаги матнда ҳам учрайди. **Шу банддаги «...пул билан таъминлаш учун...» жумласидан кейин «бошланғич партия ташкилотларига...» деган сўзлар киритилиши лозим.**

Яна бир мулоҳаза: лойиҳанинг 34-банди иккинчи абзацида **«партия... социализмга ва Советларга зид миллатчи кучларга қарши курашади», деган гап бор. Мен, шу жумладаги «миллатчи» сўзи «реакцион» сўзи билан алмаштирилиши зарур деб биламан.** Сабаби, социализм ва Советларга зид кучлар ўз фаолиятида фақат миллатчиликни байроқ қилиб чиқадилар, десак хато бўлади. Чунки улар бу йўлда ўз бисотларидаги барча воситалардан фойдаланадилар ва фойдаланмоқдалар. Шундан келиб чиқиб, матн партия бошқа зид кучлар билан муросасозлик қилиши мумкин, деган нотўғри хулосани бериши мумкинлигини ҳисобга олиб, юқоридаги сўз албатта алмаштирилиши лозим.

К. ҒОЗИЕВ,
«Каршистрой» бирлашмаси юридик бўлими бошлиғи ўринбосари.

ФОЙДАЛИ ТАЖРИБА АЛМАШИШ

Тупроқ унумдорлигини ҳамда минерал ва органик ўғитларни қўлланиш самарадорлигини ошириш масалалари Андижон вилояти агрохимия лабораторияси базасида ўтказилган республика семинар-кенгаши қатнашчиларининг амалий ишлар ҳақидаги суҳбати учун мавзу бўлди.

Семинар-кенгаш ишида жумҳурият барча вилоятлари ва Қорақалпоғистон АССРнинг мутахассислари, Ўзбекистон олий ўқув юртларининг деҳқончилик масалалари билан шуғулланувчи олимлари иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

Танишинг:

Раҳима ҚАҲҲОРОВА

● Киров районидаги «Искра» жамоа хўжалигида Раҳима Қаҳҳоровани яхши танишади. У пахтачилик бригадаси бошлиғи. Меҳнатсевар, сўзида қатъий пахтакор. У етакчилигидаги меҳнат аҳли вилоятда биринчилардан бўлиб ижара усулида ишлашга ўтди. Натижада ҳосилдорлик ошди, сифат яхшиланди.

Фарғона вилояти коммунистлари ўз анжуманларида Раҳима Қаҳҳоровага катта ишонч билдиришди. У Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXVIII съездига делегат қилиб сайланди.

● Бригадир Р. Қаҳҳорова механизатор Йўлдошали Турғунов билан мулоқотда.

Суратқаш Ш. ОЛИМОВ. (ЎзТАГ).

ҲАҚҚОНИЙ ВА ТЎЛА ТАРИХ

Қайта қуриш даврида тарих фанининг, партия тарихининг ўрганилиши олий ўқув юртлари учун муаммо бўлиб қолмоқда. Боиси КПСС тарихи эски усулда, аниқроғи «ВКП (б) тарихи қисқа курси» бўйича ўқилиб келинди. Улуғ Октябрнинг 70 йиллигидан кейин партия тарихини ўрганиш бирмунча янги талаб, янгича талқин қилиш, яъни, тарихий ҳақиқатни ҳаққоний кўрсатиш бўйича олиб борилмоқда. Зеро, ҳаққоний ва тўла тарихни яратиш — бу халқимиз турмуши ва кураши билан узвий боғлиқдир.

Хўш, партия тарихи курс сифатида бор ми? Бор бўлса қай тарзда? Унинг ўқитилиши жумҳуриятимиз олий ўқув юртларида қандай олиб бориляпти? Ёки «Сиёсий тарих»ми?

Гапнинг очиғини айтганда, В. И. Ленин таъкидлаганидек, партия тарихи предмет сифатида «чала-чулпа», ўлда-жўлда, ярим ҳақиқат бўлиб, қайта қуриш жараёнида талабалар талаб-истагига жавоб бермай қолди. Натижада, ўтган йили август ойида СССР Халқ таълими давлат комитети «Партия тарихи» ўрнига «XX аср ижтимоий-сиёсий тарихи» курсини олий ўқув юртларида ўқитиш учун тавсия қилди.

Биз, ўқитувчилар бу курсни ўқитишга, программасини ишлаб чиқишга тайёр эдикми? Йўқ, албатта!

Москва Давлат дорилфунуни қошидаги ижтимоий фанлар ўқитувчилари малакасини ошириш институти профессор-ўқитувчилари Халқ таълими давлат комитети билан ҳамкорликда янги курс дастурини ишлаб чиқди. Мазкур сатрлар муаллифи ҳам ўни ишлаб чиқишда фаол қатнашиб, янги предметни «Сиёсий тарих» курси деб номланишини лозим топдик. Шундай қилиб, «КПСС тарихи» курси ўрнига «Сиёсий тарих» фани вужудга келди.

Бу фан мутлақо янги фанми? Ёки КПСС тарихими?

Бизнинг тасаввуримизда «Сиёсий тарих» янги йўналишли, бугунги давр талабларига жавоб берадиган, яъни сиёсий партиялар тарихини ўрганадиган, асосан маҳаллий материалларга, яъни сиёсий партиялар тарихига таянадиган фан сифатида юзага келмоқда.

Ҳар бир мавзу бўйича (бутун курс учун 9 тема ажратилган) 15-20 фоиз маҳаллий материалларни лекция ва семинарларда ўқитиш назарда тутилган. Биз ана шундагина, ҳақиқий сиёсий партиялар тарихини ўрганган бўламиз. Бугунги талабчан студентларнинг олқишига сазовор бўламиз. Ёки 20-30-йиллар партия тарихини ўрганаётганимизда Туркистон АССРда, Ўзбекистон жумҳуриятида босмачилик ҳаракати, жадидизм оқимлари, панисломизм ва пантуркизм тўғрисида муфассал, ҳаққоний ва сиёсий баҳо берган, Ўзбекистон Компартиясининг ролини кўрсатган ҳолда дарс берсак айни муддао бўлади.

Шу ўринда «Сиёсий тарих» курсини ўрганишдан ташқари жумҳурият олий ўқув юртларида «Ўзбекистон тарихининг муҳим муаммолари» курсини ўтишни ҳам тавсия қилар эдим. Бу — айниқса, гуманитар бўлмаган ўқув юртлари учун жуда муҳимдир.

Жумҳуриятимизда ижтимоий фанлар бўйича олий ўқув юртларидан ташқари Фанлар академияси системасида ўнга яқин институтлар, Ўзбекистон КП Марказий Комитети партия тарихи институти ва Олий партия мактаби профессор-ўқитувчилари бугунги қайта қуришнинг жумҳуриятимиз миқёсида нечоғлиқ қийин амалга ошаётганлигини илмий асосли, тарихий-фалсафий таҳлил қилиб бериш куч-қудратига эгадирлар. Фақат аниқ дастур ва дадил ҳаракат керак. Бўлмаса ижтимоий фанлар янада омма ҳаракати, қайта қуришдан ортда қоларади.

К. НОРМАТОВ,
ТошДУ қошидаги ижтимоий фанлар ўқитувчилари малакасини ошириш институти «Сиёсий тарих» кафедраси мудири, тарих фанлари доктори.

ҒАМХЎРЛИК

● Қўқондаги «Электромаш» заводининг меҳнат коллективи кенгаши ва маъмурияти қабул қилган қарор бир қарашда ғалати кўринади. Улар ўртасида яқинда имзоланган шартномада шундай дейилган: корхонанинг ҳар бир ходими, агар у ўз соғлиғини ўйлаган ва йил давомида касаллик туфайли бирон иш кунини йўқотмаган бўлса, пул тўланадиган беш кунлик қўшимча отпуска олади, деб хабар қилади ЎзТАГ мухбири.

Бундай шартномани имзолашдан олдин бу ерда иқтисодчилар роса ҳисоб-китоб қилишди. Улар тақдим этган ҳисоб-китобларга қараганда, отпускага беш кун қўшиб бериш одамлар ишга чиқмаслиги туфайли қўриладиган зарарга нисбатан анча фойдалироқ экан.

Бу, маъмурият ва меҳнат коллективи кенгаши корхона меҳнаткашларига қилаётган ғамхўрликнинг ягона намунаси эмас. Бу ерда ижтимоий масалаларга алоҳида эътибор берилмоқда. Йил бошидан буён, масалан, пландан ташқари олинган даромаднинг бир қисми аёлларга болаларни парваришлаш учун нафақа тўлашга сарфланмоқда. Бу ерда йигирма йилдан кўпроқ ишлаган элликка яқин ветеран ҳам ўз пенсиясига салмоқли қўшимча олмоқда.

Бу йил завод ижтимоий-маданий режани амалга ошириш учун жами уч юз минг сўм ажратди.

Коммунистик партиянинг 32 йиллик аъзоси сифатида унинг қаддини ростлаб олишига ишонаман. Тўғри, партиянинг обрўйи хийла пасайиб кетди. Аммо коммунистик ғояни тарғиб қилувчи партиянинг дастури ёмон ёки янглиш бўлганидан бундай бўлмади. Бунга партиянинг ўзи айбдор эмас. Ахир, партия — бу авваламбор, миллионлаб коммунистлар-ку. Ҳамма бало партиянинг бошига чиқиб олган бир гуруҳ мансабпарастларнинг халқни эмас. партияни эмас, балки кўпроқ ўз манфаатини, роҳат-фароғатини ўйлашидан келиб чиқди. Партия сафига пул ва фириб билан кириб, мансабни ҳам сотиб олган кишидан яна нима кутиш мумкин? Кўпчилик раҳбарлар халқни тилдагина тан олиб, амалий ишда уни менсимайдиган, ундан ҳазар қиладиган оқсуякларга айланишди.

УМИД ВА ИШОНЧ

Хайриятки, қайта қуриш сиёсати туфайли жумҳуриятимизда аҳвол ўзгариб бормоқда. Янги раҳбарлар келишди. Улар халққа яқинлашишга ҳаракат қилишмоқда. Аммо раҳбарлар орасида ҳамон оддий кишиларга паст назар билан қаровчи, расмиятчи, қоғозбоз, кабинетидан чиқмайдиган, кўпроқ ўзини ўйлайдиган тўралар бор. Партиянинг обрўйини кўтариш учун, аввало, мана шундайларнинг баҳридан воз кечиш, оддий коммунистлар орасидан лаёқатли кишиларни излаб топиш мақсадга мувофиқдир. Ўқимишли, тадбиркор, элу юртни ўйлайдиган, ҳалол ва покиза кишилар кўп. Фақат улар аксар хокисор, камтар, андишали бўлишади, ҳатто ҳозирги ошкоралик ва демократия авж олган даврда ҳам сафсата сотишмайди, балки кўпроқ ўқишади, тинглашади, мушоҳада қилишади, етти марта ўлчаб, сўнг кесишади. Энг ғалати томони шундаки, бундайлар мансабга интилишмайди, катталар, юқори идоралар эътиборидан четда юришади.

КПСС XXVIII съездида партия раҳбар органлари бутунича ана шундай диёнатли, инсофли, маданиятли, меҳр-оқибатли, энг муҳими, элу юрт ташвиши билан ёнган, ҳар бир оила, ҳар бир кишининг ғамини ейдиган коммунистлардан тузилишини орзу қиламан.

Мен ўзи емай, едирган, ўзи киймай, кийдирган, етим-есирнинг бошини силаган, бадарға қилинган қанча халқларга ўз бағридан жой берган, феъли кенг, меҳнаткаш, сабр-тоқатли халқимнинг эртаси ёруғ ва фаровон бўлишига ишонаман. Тўғри, маошга кўз тутиб яшайдиганларнинг аҳволи оғир. Айниқса, деҳқонларимизга қийин бўлди. Бироқ сўнгги 2 йил ичидаги муҳим тадбирлар туфайли аҳвол яхшиланиб бормоқда. Болаларга эътибор кучайди, деҳқонларнинг томорқаси кенгайди, маданий-маиший хизмат соҳасида жонланиш сезилмоқда. Аммо бу ҳали хамир учидан патирдай гап. Ҳамма бир ёқадан бош чиқарса, бирдамлик, уюшқоқлик билан ҳар ким ўз соҳасида, ўз ўрнида сидқидилдан меҳнат қилсагина аҳвол яхшиланиши мумкин. Афсуски, иш ўрнида гап сотувчи, тирноқ орасидан кир қидирувчи, оддий одамларни чалғитувчи, турли миллат вакиллари орасидаги яхши муносабатларга раҳна солувчилар ҳам йўқ эмас. Бундайларга йўл бермаслик, лозим бўлса. танобини тортиб қўйиш учун ҳам яхшилар бирлашмоғи, ҳамжиҳат ҳаракат қилмоғи зарур.

Жумҳуриятни мустақил давлат қилиш, ер, сув табиат барча бойликларига эга бўлиш, бошқа давлатлар билан мустақил савдо-сотиқ ва маданий алоқалар ўрнатиш, халқ хўжалигини оқилона ташкил этиш ва бошқариш неча авлодлар орзу қилган эзгу ғоялардир. Ҳозирги раҳбарият ана шундай йўлдан бормоқда. Эндиликда улар сафини ишчан, билимдон мутахассислар, чинакам халқпарвар кишилар билан мустаҳкамлаш керак, акс ҳолда яхши ғоялар ғоялигича қолиб кетиши мумкин.

Санъатшунос сифатида гапирадиган бўлсам, маданият соҳасида айтарли ўзгариш рўй бермаётганига жоним ачийди. Маданиятга муносабат ҳамон эскича, тегишли маблағ ажратилмайди, мутахассисларга эътибор етарли эмас. Ҳолбуки, маданият — бу биринчи даражали иш бўлмоғи керак. Чунки бировнинг ҳақини туя қилиш, ўғрилик, тошбағирлик, кўзбўямачилик, беандишалик, одобсизлик, кибру ҳаво, ҳасад каби иллатлар маданиятсизлик асоратидир. Гўзаллик тарбияси, бадиий тарбияни қўя турайлик, авлод-аждодларимиз асраб-авайлаб келган дид-фаросат, одоб-ахлоқ, муомала, оила ва рўзғор, ҳовли ва маҳалла, меҳмоннавозлик маданиятлари ҳам барҳам топиб бормоқда. Аслида бу маънавий қадриятлар инқирозидан нишонадир. Бу соҳада туб ўзгариш ясаш фақат маданият ходимларининг эмас, балки бутун жамиятнинг — партия ва давлатнинг, вазирликлар ва ижодий уюшмаларнинг, ишлаб чиқариш корхоналари ва агросаноат бирлашмаларининг, мактаблар ва олий ўқув юртларининг ҳам жонажон иши бўлмоғи керак. Бутун жамиятнинг маданий савиясини кўтармасдан туриб улкан иқтисодий ва ижтимоий дастурларни амалга ошириш мушкул.

М. ҚОДИРОВ,
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, санъатшунослик доктори.

ИШ ҲАММАГА ЕТАДИ

● Андижон бадиий буюмлар фабрикаси янги филиали коллективи савдо тармоғининг дастлабки буюртмасини бажаришга киришди. 50 нафар тикувчи-мотористка маҳаллий вагон депоси учун ёстиқ жилдлари ва чойшаблар комплектларини тайёрлай бошлашди. Шу билан бирга бу ерда болалар кийимлари тикиш йўлга қўйилган.

Филиал Балиқчи районидаги Киров номли колхозда очилди. Корхонада яқин кунларгача ишсиз юрган хотин-қизлар меҳнат қилмоқда. Йил охиригача ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва яна эллик кишини ишга жойлаштириш режалаштирилган.

— Ҳозир филиални икки сменада ишлашга ўтказиш масаласи ҳал қилинмоқда, — дейди фабрика бош инженери А. Йўлдошев. — Биз филиални барча зарур нарсалар — материаллар ва ускуналар билан мунтазам таъминлаб туришга ҳаракат қиляпмиз. Икки сменада ишлашга ўтиш эса яна юз кишини ижтимоий-фойдали меҳнатга жалб этиш имконини беради.

ҒОЯ МИЛЛИОНЛАБ СЎМ ДАРОМАД БЕРАДИ

● Тошкент автомобиль йўллари институти ва Ўрта Осиё ирригация илмий-текшириш институти олимлари ишлаб чиққан Чирчиқ «Электрохимпром» бирлашмаси оқава сувларидан пластификаторлар олиш технологияси Фарғона фуранли бирикмалар заводи учун жиддий рақобатни вужудга келтириши мумкин.

Олимларнинг мазкур тавсиясидан фойдаланилганида бу маҳсулотни тайёрлаш ҳозирги технология асосида ишлагандагидан 30 баравар арзонга тушади.

Янгилик Тошкент темирбетон буюмлари заводида синаб кўрилди. Уни жорий этишдан бир йилда олинган иқтисодий самара 160 минг сўмни ташкил этди. Ишлаб чиқарувчиларнинг илтимосига кўра, олимлар яна бир технологияни — составни паста ва кукун тарзида тайёрлаш усулини ишлаб чиқдилар.

Линолеум ишлаб чиқаришда асбест ўрнига ана шу пастадан ҳам фойдаланиш мумкин. Унда линолеумнинг хусусиятлари яхшиланади.

Энди кўп иш «Электрохимпром» бирлашмасига боғлиқ. Бу ерда катта миқдордаги концентрацияланган оқавалар ҳамон чиқиндига чиқариб юборилмоқда. Ваҳоланки, бу оқавалар пастага айлантирилса, йилига ўн миллион сўм даромад қилиш мумкин.

(ЎзТАГ).

● Бугун—Енгил саноат ходимлари куни

ТАРМОҚ ИМКОНИЯТЛАРИ

Ҳозирги пайтда кенг халқ истеъмоли буюмлари сифатига талаб кундан-кунга ошиб боряпти. Истеъмол бозорига бу маҳсулотларни кўпроқ етказиб бериш эса енгил саноат ходимларининг куч-ғайратига боғлиқ. Хўш, шундай экан, улар қандай ишларни амалга оширишяпти? Бу соҳадаги муаммолар ҳал бўляптими? Умуман, тармоқда ўзгаришлар қандай кечяпти? Мухбиримизнинг ана шу саволларига жавобан Ўзбекистон ССР енгил саноат министри ўринбосари З. Қ. БОЛТАБОЕВА қуйидагиларни гапириб берди:

— Жумҳуриятимиз халқ хўжалиги комплексининг етакчи тармоқларидан ҳисобланган Енгил саноат министрлиги корхоналарида кейинги йилларда анча силжиш юз берди. Хўш, бунга қандай эришдик? Аввало, ўтган 2—3 йил мобайнида асосий эътиборни технологияни такомиллаштиришга, меҳнатнинг янги шаклларини жорий этишга, иш ҳақини оширишга ва энг муҳими меҳнатчиларнинг ижтимоий-маиший аҳволини яхшилашга қаратдик. Масалан, ўтган йили ишчилар турар жой бинолари қуриб бериш учун 8,7 миллион сўм, уларнинг соғлиғини мустаҳкамлашга эса 2,126 миллион сўм маблағ ажратилди.

Қарши тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида 150 ўринли,Қўқон пайпоқ ишлаб чиқариш бирлашмасида 160 ўринли ошхоналар, Наманган абрли газламалар ишлаб чиқариш бирлашмасида 100 ўринли профилакторий, Андижон ип газлама комбинатида 150 ўринли шифохона қурилди. Қарийб 1300 ўринли 7 та болалар боғчаси фойдаланишга топширилди.

Ҳозир жумҳуриятимизнинг барча вилоятлари ва тармоғимизнинг Қорақалпоғистон АССРда жойлашган бўлинмалари ҳамда корхоналари ишчи ва мутахассисларининг ғайрати билан йилига 3,7 миллиард сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариляпти. Янги маҳсулотлар ҳам кўпаймоқда. Айниқса, болалар кийим-кечаклари, хотин-қизлар ва кексалар учун буюмлар ишлаб чиқариш ҳажми ортиб боряпти. Болалар буюмлари тайёрлаш бўйича жумҳуриятимиз Иттифоқда энг юқори кўрсаткичлилар қаторига чиқиб олди. Жорий йилда ҳам болалар маҳсулотлари ишлаб чиқаришни 9 фоиз, кекса ёшдагилар учун 6 фоиз оширишни кўзлаб турибмиз.

Меҳнатнинг янги шаклларидан фойдаланаётганлигимиз бизга қўл келяпти. Ҳозир тармоқдаги кўпгина корхоналарда, цех ва бригадаларда, бўлим ва хизматларда хўжалик ҳисоби, ижара ва коллектив пудратини жорий этяпмиз. Шу туфайли плантопшириқларни ошириб бажаряпмиз. Май ойида 1 миллион 976 минг сўмлик товар маҳсулотлари ишлаб чиқариб, планни 101,7 фоиз уддаладик.

Бинобарин, маҳсулот реализациясидан олаётган фойдамиз ҳам салмоқли бўляпти. Янгича ишлаш туфайли корхоналаримиз ҳисобида ниҳоят нақд пул пайдо бўлди. Эндиликда енгил саноатга тегишли бирлашма ва фабрикаларнинг чет эл фирмалари ҳамда корхоналари билан ўзаро иқтисодий, илмий-техникавий алоқалари кенгайиб бормоқда. Кейинги уч йил ичида тармоқ бўйича хорижга маҳсулот экспорт қилиш 15 бараварга ортди. Тармоқ корхоналари Япония, ГФР, АҚШ, Покистон ва жаҳоннинг шунга ўхшаш 30 га яқин давлатлари билан савдо алоқалари юритиб, ип газлама, ипак, хом тери ва чинни сотяпти.

Айни пайтда халқ истеъмоли буюмларини кўпайтириш ҳамда меҳнатга лаёқатли ишсиз аҳолини иш билан таъминлаш мақсадида меҳнат ресурслари зич жойлашган қишлоқ районларида корхоналаримиз филиаллари ва кичик-кичик цехлар қуришни бошлаб юбордик. Айрим районларда бўш турган биноларни ижарага оляпмиз. Ҳозир Сирдарё вилоятидаги «Боёвут» совхозида 300 ўринли, Самарқанд вилоятининг Иштихон, Жомбой, Нурота районларида ҳамда Андижон, Бухоро, Қашқадарё вилоятларининг кўпгина районларида ҳам цехлар ишга туширилди.

Афсуски, камчиликларимиз ҳам кўп. Ўзбекистон Компартиясининг XXII съездида фаолиятимизга тўғри танқидий баҳо берилди. Очиғи, тармоғимизда ўнглаиш сари қадам секинлик билан боряпти. Буни жумҳуриятимиз аҳолиси жон бошига маҳсулот ишлаб чиқарилиши ҳажмидан ҳам билса бўлади. Мамлакат бўйича ҳар бир кишига 340 сўмлик буюм тўғри келса, Ўзбекистонда бу кўрсаткич атиги 185 сўмни ташкил қиляпти, холос. Айниқса, меҳнаткашлар учун арзон нархдаги кенг ассортиментли сифатли буюмлар ишлаб чиқаришда жумҳуриятимиз аҳолиси талаб ва эҳтиёжини қондира олганимизча йўқ.

Аҳоли талаби даражасида пишиқ ва пухта маҳсулотлар тайёрлашимизга ҳалақит бераётган муаммолар ҳам анчагина. Жумладан, корхоналаримизни техник жиҳатдан қайта қуроллантириш ва реконструкция қилиш масаласи жиддий бўлиб турибди. Ҳар йили янги ускуналар ва қайта жиҳозлаш ишларига 50 миллион сўм сарфланяпти. Бироқ амалга оширилаётган техник қайта қуроллантириш юқори сифатли маҳсулот тайёрлашда унчалик фойда бермаяпти. Негаки, мамлакатимиз машинасозлиги меҳнат унумдорлигини оширувчи янги ускуналар етказиб бера олгани йўқ. Кам миқдорда ҳориждан келтирилган ускуналар эса юқори самара билан ишлатилмаяпти.

Хом ашё масаласи ҳам қийин ҳал бўляпти. Кўпгина таъминотчи корхоналар шартномавий мажбуриятларни ўз вақтида бажаришмаяпти. Бизга юборилаётган хом ашёнинг сифати жуда паст. Тўқимачилик, пойабзал ва тикувчилик бирлашмаларимизда сифатсиз хом ашёнинг бир қисми чиқитга кетяпти. Эндиликда чиқиндилардан унумли фойдаланишга ҳаракат қиляпмиз. Шунга қарамасдан таъминотчилардан олинаётган хом ашёнинг пастлиги маҳсулотимиз сифатига анча таъсир кўрсатяпти.

Яна бир муаммо. Кадрлар масаласида кўпгина қийинчиликларга дуч келяпмиз. Бизнинг тармоққа асосий кадрларни Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти етказиб беради. Ўтган йилларда жумҳурият Олий ва Ўрта махсус таълим министрлиги қарори билан мазкур таълим даргоҳида вилоятлардан иқтидорли ёшларни қабул қилиш чеклаб қўйилди.

1989 йили институтга фақат 40 фоизгина ёшлар вилоятлардан қабул қилинди. Бу эса кейинчалик жумҳуриятимиз вилоят корхоналарида кадрлар муаммосини келтириб чиқариши мумкин.

Шу ўринда яна бир нарсани таъкидлаб ўтиш лозим. корхоналарга йўлланма билан келган ёшлар маълум муддат ўтгач ўз туғилган шаҳар ва қишлоқларига кетиб қолишяпти. Шунинг учун ҳам олий ўқув юртлари эндиликда корхоналар билан шартномавий асосда иш олиб боришлари зарур. Ҳозир технологияни, ўта мураккаб ускуналарни моҳирлик билан бошқара оладиган юқори билимли ихтисос эгалари керак. Афсуски, тармоққа тегишли ўқув юртларида бундай мутахассислар тайёрлашга эътибор сусайиб кетган. Бизнингча, ишчи кадрлар тайёрлашни тубдан яхшилашнинг ҳукумат программаси ишлаб чиқилиши зарур. Бундан ташқари чет эл технологияси билан яқиндан танишиш ҳамда у ерда меҳнатни ташкил қилишнинг янги усулларини ўрганиш мақсадида турли ихтисосдаги ишчи ва мутахассисларни чет элга ўқитишга юбориш лозим.

Хўш, енгил саноатдаги муаммо ва камчиликларни бартараф этиб, аҳоли талаб ва эҳтиёжи даражасида истеъмол бозорини маҳсулот билан тўлдириш мумкинми? Албатта, мумкин. Бунинг учун, менимча, қуйидаги ишларни амалга ошириш зарур.

Биринчидан, тармоқ ички имкониятлари ва резервларини кенгроқ ишга солиш керак. Биз амалдаги ишлаб чиқариш потенциалидан фойдаланишни тубдан яхшилашимиз, буюмлар ассортиментини кўпайтиришимиз ҳамда маҳсулот сифатига, айниқса ип газламадан тайёрланган буюмларнинг сифатини кескин оширишга эътибор беришимиз лозим. Иккинчидан, меҳнатнинг янги шаклларини дадил жорий қилиш керак. Цех, фабрика ва корхоналарни хўжалик ҳисобига, ижара усулига ўтказишимиз, уларнинг мустақил хўжалик юритишига монелик қилмаслигимиз зарур. Учинчидан, янги корхоналар ҳамда қўшимча қувватларни ишга туширишни жадаллаштиришимиз, уларни энг янги технология ва ускуналар билан тўлиқ таъминлашимиз лозим. Ҳозир бу соҳадаги ишларимиз бир оз бўлса-да жонланган. Шу йилнинг 5 ойи ичида 8 та янги пойабзал фабрикаси ишга туширилди. Жумладан, Чорвоқда, Полвонтошда, Каттақўрғонда ҳамда Қўқонда худди шундай фабрикалар очилди.

Молия масаласидаги ишларни ҳам тартибга солиш керак. Токи, корхоналар ишлаб топган фойдани ўз имкониятларига қараб ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, меҳнатчиларнинг ижтимоий аҳволини яхшилашга сарф қилсинлар.

Яна бир масала. Республикамиз кимёгарлари билан алоқани мустаҳкамлаш керак. Негаки, нитрон толаси, сунъий ва синтетик иплар, газламалар ва трикотаж ишлаб чиқаришда уларнинг ёрдами қўл келиши турган гап.

Хуллас, тармоқ ходимлари олдида жиддий вазифалар турибди. Агар юқоридаги муаммолар ўз вақтида ҳал қилинса, 1995 йилга бориб халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳажмини 630 миллион сўмга ошириш мумкин бўлади. Бу билан ҳам истеъмол бозоридаги талаб ва эҳтиёжни қондириш қийин. Лекин изласа имкон топилади. Айни кундаги мақсад — суръатни бўшаштирмай Енгил саноат министрлиги корхоналари тамғаси қўйилган молларни истеъмолчиларга кўпроқ етказиб беришдан иборат.

Ёзиб олувчи:
А. БОЛИЕВ.

• *Президент Фармони—амалда*

Наманган вилояти меҳнаткашлари республика Президентининг ҳар бир Фармонини мамнуният билан кутиб олишяпти. Негаки, ушбу Фармонлар халқ манфаати, бахт-саодати йўлида қўйилган муҳим қадам бўлаётир.

ИШЛАШ ВАҚТИ КЕЛДИ

«... Колхозлар ва совхозлар аҳолининг шахсий хўжаликларига 1990 йилда ҳар бир шартли бош мол ҳисобига 250 килограмм хашак ва 150 килограмм ширали ем-хашак 1991 йилда 550 килограмм хашак ва 300 килограмм ширали ем-хашак сотишни таъминласинлар. Ҳар йилги планларда аҳолига ем-хашак сотиш ана шу нормаларга нисбатан кўпайтирилиши кўзда тутилсин». **(Республика аҳолиси шахсий хўжалигидаги моллар ва паррандаларни ем-хашак билан таъминлаш ҳамда уларда чорвачилик маҳсулотини кўпайтириш тўғрисидаги Фармондан).**

Кейинги йилларда Косонсой районидаги хўжаликларда чорва моллари учун ем-хашак ва озуқа маҳсулотлари етиштириш бирмунча кўпайди. Бу ўринда айниқса пахта яккаҳокимлигига барҳам берилиб, озиқ-овқат программасининг бажарилишига киришилгани муҳим роль ўйнади. Бу бежиз эмас, албатта. Негаки, район территорияси Фарғона водийсининг энг шимолида жойлашган. Шунинг учун бу ерга баҳор кеч келиб, куз эрта бошланади. Умуман районнинг об-ҳаво шароити деҳқончилик қилиш учун ўта ноқулай. Узоқ йиллар давомида бу ҳақиқатни ҳамма билса ҳам лекин уни ҳеч ким тан олишни хоҳламади.

Мана, эндиликда аҳвол тубдан ўзгарди. Область ва район партия комитетлари ташаббуси билан келажакда районни боғ, мева, сабзавотчилик ва чорвачиликка ихтисослаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу борада дастлабки қадамлар қўйилди. Районда «Наврўз» бўрдоқичилик совхози ташкил этилди. Қайта қуриш даврида шаклланиб, таркиб топган ушбу хўжаликда республика Президентининг Фармонини бажариш юзасидан ибратли ишлар бошлаб юборилди.

— Биз аҳолининг шахсий чорвасини ҳам оёққа турғазишни асосий мақсад қилиб олганмиз, — дейди хўжалик директори Собитжон Бобоев. — Ана шу мақсадда эрта баҳордан бошлаб аҳоли шахсий хўжалигида сақланаётган мол-қўйлар учун хашак ва ширали ем-хашак беряпмиз. Бу ўз навбатида ишчиларнинг совхозимизни тезроқ оёққа турғазишда сидқидилдан меҳнат қилишларини таъминламоқда. Маълумки, моддий манфаатдорлик яхши бўлган жойда иш унумли бўлади.

— Фармонда бизнинг дилимиздаги гаплар, орзу-умидларимиз ўз ифодасини топган — дейди совхоз ишчиси Жўрабой Нишонов. — Кўриниб турибдики, Президентимиз оддий халқ дарди, ташвишини яхши биладди. Биз бундан жуда мамнунмиз. Ҳақиқатан ҳам яқин йилларгача остонамизгача озуқа экинлари экилса ҳам ундан баҳраманд бўлолмасдик. Ҳатто охирги пайтларда хўжаликларда чорва моллари сақлашнинг иложи бўлмай қолаётгани қишлоқ меҳнаткашларини жиддий ташвишга солаётганди. Чунки шаҳарликлар сут-қатиқни дўконлардан сотиб олишлари мумкин, қишлоқларда эса бундай имконият йўқ. Хуллас, қишлоқда яшаш тобора оғирлашиб бораётганди. Мана, энди қишлоқ кишиларининг ҳалол меҳнатлари юзага чиқадиган бўлди.

Биз районнинг бошқа хўжаликларида бўлганимизда ҳам одамлар ўзларининг мана шундай дил сўзларини айтишди. Ҳа, ҳақиқатан ҳам шароит яхши бўлса, аҳоли албатта қўй, мол боқиб, аввало ўз оиласини, қолаверса элни чорвачилик маҳсулотлари билан таъминлайди. Бир сўз билан айтганда, энди ишлаш вақти келди.

А. МАДАТОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ҲАМ ҚУЛАЙ, ҲАМ АРЗОН

● Ангрен картон қутилар комбинатида халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришга киришилди. Жумҳурият савдо тармоғига қоғоз халталар, андозалаш учун ва хўжалик эҳтиёжларига мўлжалланган қоғоз етказиб берилди. Айни пайтда ишлаб чиқарувчилар асосий маҳсулот — саноат ва озиқ-овқат моллари учун нова-нова қилинган қутилар тайёрлашни ҳам унутишмаяпти. Бундай маҳсулотга Ўзбекистондагина эмас, ундан ташқарида ҳам талаб катта.

(ЎзТАГ).

Арпага ўроқ тушди

Хўжаликда дон етиштириш учун 452 гектар майдон ажратилган. Бундан 53 гектарига арпа экилган. Айни кунларда далаларда арпа ўрими қизғин. 6 комбайн тўла қувват билан ишлатилаётир.

Ленин йўли районидаги Ленин номли совхозда арпа ўрими қизғин паллага кирди. Ҳосил йиғиштириб олингач, бу майдонларга озуқа учун дон экилади.

● Комбайнчи Холман Бинаев (юқоридаги сурат) ҳамкасблари ўртасидаги мусобақада пешқадам; далаларда ҳосил нест-нобуд қилинмай йиғиштириб олинмоқда.

Суратқаш: И. ХУЖАЕВ (ЎзТАГ).

ОДОБНОМА

Қайта қуришнинг ҳаётбахш замирида қулф очган демократия, ошкоралик замонида барча миллат ва халқларнинг қадриятлари, илғор анъаналари, ахлоқу одоб борасидаги фазилатлари ва урф-одатларига нисбатан муносабат ҳам ўзгарди.

Бу ҳақда Ўзбекистон Компартиясининг XXII съездига қилинган Сиёсий маърузада алоҳида тўхталиб ўтилди. Чунончи, халқнинг кўп асрлик анъаналари, маданияти, урф-одатлари ва маънавий қадриятларини менсимаслик элни жуда ранжитаётгани, айрим кишиларда ялло қилиб яшаш, зўравонлик, ҳаром-харишлик руҳи ҳукмдорлиги, баъзан одобсизлик, беҳаёлик, кўнгилни айнитар даражадаги намойишлардан одамларнинг фиғони ошаётгани айтиб ўтилди.

Ажойиб маданий анъаналар соҳиби бўлган халқимизни маънавий айниш ва қўпол пасткашликдан ҳимоя қилиш учун қонун чиқариб бўлса ҳам қатъий чоралар кўриш кераклиги кўрсатилди.

Шу нуқтаи назардан «Совет Ўзбекистони» газетаси саҳифаларида ахлоқ-одоб ва тарбияга доир чин инсоний фазилатларни улуғловчи, инсон номига доғ туширадиган ҳодисаларни фош этувчи материалларни бериб боришга қарор қилинди. Бу билан «СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ОДОБНОМАСИни яратиш мақсад қилиб қўйилди.

Маънавий қадриятларни халқ фикри ва тасаввурларисиз ёритиб бўлмайди. Шунинг учун азиз муштарийларнинг хат ва мулоҳазаларини кутамиз.

Қуйида шу туркумдаги биринчи мақолани эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.

ДАВР ВА МАЪНАВИЙ ҚАДРИЯТЛАР

● ҲАМЖИҲАТЛИК, БИРОДАРЛИК ВА САМИМИЯТ — ХАЛҚИМИЗНИНГ АЗАЛИЙ ОДАТИ
● МАҲАЛЛА — ОТА-ОНАНГ...
● ТУГАНМАС ХАЗИНА — МИЛЛИЙ УРФ-ОДАТЛАРИМИЗНИ БОЙИТИБ, ШУҲРАТПАРАСТЛИК, ВАЪЗХОНЛИК ВА САФСАТАБОЗЛИК КАБИ ҚУСУРЛАРГА ЙЎЛ ҚЎЙМАЙЛИК

ХАР бир даврнинг ўз дарди, талаби ва эҳтиёжлари бўлади. Қайта қуриш одамлар ва жамият тақдирига тааллуқли жуда кўп жумбоқларни ечиб ташлаш билан баробар маънавиятимизнинг қатор муаммоларини кўндаланг қилиб қўйди. Айниқса, ахлоқ-одоб масалалари катта аҳамият касб этиб қолди. Бунинг сабаблари кўп: бир томондан, инсон деб аталмиш ҳаёт гултожисига бўлган муносабат ўзгарди, уни азалий ва абадий пок маънавият йўлига қайтариш режалари тузила бошланди. Инсоннинг ўз миллати анъаналари ва умумбашарий қадриятлар асосидагина камолотга эришиши оғизда эмас, амалда тан олинди. Иккинчидан, сохта байналмилалчилик, қоғоздаги халқлар дўстлиги ғоялари одамлар орасида узоқ замонлардан буён шаклланиб, ривожланиб келаётган биродарлик туйғуларига раҳна солиб қўйгани, одамларнинг миллат ажратмаслиги учун, бир-бирига меҳрли, оқибатли бўлиши учун уруш ёки қаҳатчилик, зилзила ёки табиий офатларни бошидан кечиришлари шарт эмаслиги, ижтимоий адолат ўрнатилган жойда халқлар ва миллатларнинг чин инсоний фазилатлари гуркираб унишига ишонч ҳосил қила бошладик.

Баркамол ахлоқ ва яхши хулқ бирданига пайдо бўлмайди. Халқ ахлоқий мезонлари кўҳна она замин билан, Ватан деб аталмиш мўъжиза бир диёр билан, унинг жонли ва жонсиз хилқати, қуёши, ҳавоси, булоғу дарёларига нозик руҳий ришталар билан боғланган. Бу ришталар худди она вужудидан ҳаёт нурини ўтказган бола киндиги сингари она заминга уланган. Ана шунинг учун ахлоқий тасаввурларимиз, одоб мактабимиз пировард натижада миллат учун, унинг обрўси ва истиқболи учун хизмат қилсагина бошқаларда эҳтиром ва ҳавас туйғуларини уйғотади, ана шундагина миллат ўз ўтмишини, тақдирини, урф-одатларини унутмайди. Яхши фазилатлар, одатлар, анъаналар ва имонли кишилар сиймоси авлодлар йўлини шамчироғ янглиғ ёритиб боради.

Дунёда шундай бир китоб борки, у ҳеч қачон ўқиб тугатилмайди, шундай бир мусиқа борки, уни охиригача ижро этиб бўлмайди. Бу халқ, миллат ҳаёти, тақдири, урф-одатларидир.

Замонамиз тилларни бийрон қилиб юборди, эгилган билакларга куч берди, орзуманд нигоҳларга нур бағишлади, тафаккур уфқини кенгайтирди, миллат тақдири ва инсоний идеаллар қисматини адолат ва истиқбол тарозиси устига қўйди.

Хайриятки, қайта қуриш шарофати билан миллий урф-одатларимиз, ахлоқу одобимиз, эзгу фазилатларимиз орасида аста-секин содир бўлаётган касалланишнинг олди олинди.

Халқимизда шундай миллий одат, анъана ва фазилатлар борки, улар бошқа халқларда йўқлигидан ташқари (мен бошқа миллатларнинг яхши сифат ва анъаналарини камситаётганим йўқ), инсоният маънавиятининг энг нодир зарварақлари сифатида бошқаларда ҳайрат уйғотишга имоним комил. Мен улардан айримларини тилга олмоқчиман. Масалан, халқимиз том маънода жамоага меҳр-муҳаббатли халқ. Бундай жамоага суяниш ва жамоатчилик фикрини ҳурмат қилиш халқимизнинг энг олижаноб фазилатидир. Буни маҳаллалардаги ижтимоий-ахлоқий расм-русмлар исбот қилиб келмоқда. Биргина тўй маросимимизнинг ўзини миллий фазилатларимиз гулдастаси деса бўлади. Ўзбек хонадонидаги бирорта тўй кенгашсиз, маслаҳатсиз ўтмайди.

Тўйларимиз кўпчилик учун жамоа томонидан ўтказилади. Тўй олдидан бўладиган маслаҳатлар, қариндош-уруғнинг эрта саҳардан келиб, тўйхона олдида қўл қовуштириб меҳмонларни кутиб олишлари, ҳовлида эса тўй мутасаддиларининг одамларни жойлаштириб, уларнинг олдига илтифот билан чой ва ош тортишлари — бу миллий одатларимизнинг кўрки эмасми?!

Одамларнинг бошини қовуштирадиган, уларни бир тан, бир жон бўлиб меҳнат ва роҳатга жалб этадиган пурҳикмат урф-одатларимизни санаб адо этиб бўлмайди. «Ҳашар» деб аталган шундай миллий удумимиз борки, унинг таърифи ҳар қандай миллат одамларини ҳайратга солади. «Вақт — пул» деган ақида бутун дунёда илдиз отган пайтда ўз вақтини текинга, одамгарчиликка, миллий урф-одатга беминнат бахшида этиш инсоний саховатнинг чўққиси эмасми?!

СОҒЛОМ миллийлик барқ урган жойда умумбашарий фазилатларнинг қадрига етиш ҳам ортади, миллатлар ўртасидаги дўстона муносабатлар ҳам камол топади. Ўзимизга ҳам, бошқаларга ҳам гўзаллик ва одоб тимсоли бўладиган келин тушириш одатимизни олайлик. Карнай-сурнай садолари янграган жойда маҳалла аҳли тўпланади. Агар тўй кечасини олиб борадиган айрим вайсақи насиҳатгўйларнинг ҳар бир тўйда такрорлайверсиб сийқаси чиққан сўзларини эътиборга олмасак, микрофон орқали қулоқларни қиладиган даражадаги баланд пардаларда айюҳаннос кўтарадиган ансамбларнинг хонишларини мустасно қилганда тўйларимиз чинакам жамоатчилик рамзидир.

Турмушимизда шунақа воқеалар ҳам учраб туради: тўй қилувчининг аҳволи ночорроқ, ҳали уй-жой битмаган, рўзғорда камчиликлар кўп, болалар оёққа турмаган. Лекин у маҳаллани ва ёр-биродарларини наҳорга маҳаллага етгудек мунтазам чалиниши ҳам безориликнинг бир аломати эмасми? Ажойиб миллий анъаналаримизга бундай беъманиликлар доғ туширади. Уларнинг олдини олиш учун маҳалла аҳли маслаҳат чоғи қаттиқ туриши керак. Ахир, ўзбек хонадонларида кечадиган ҳар бир маърака тарбиявий йўналиши билан ажралиб турадику?!

Мана, ҳозир маҳаллаларга жуда катта эътибор бериляпти. Маҳаллада ҳамма бир-бирини билади, бир-бирига кўз-қулоқ бўлиб яшайди. Оқсоқоллар, бамаъни одамларнинг ёшларга таъсири ҳаммамизга маълум. Ҳатто шундай ажойиб ёшлар борки, улар катталарни ҳам йўл-йўриққа сола оладилар. Шунда халқимизнинг гап ёшда эмас, бошда деган ажойиб нақли ёдга тушади. Уларсиз маҳаллалардаги на тўй, на маърака ўтади? Шундай воқеаларнинг ҳам гувоҳи бўлганмизки, ҳатто жанжаллашиб ёки келишолмай турган қўни-қўшнилар «фалончи келяпти» ёки «фалончи отани чақириб келиш керак», дейилса, ўз-ўзидан жимиб қолишган.

Маҳалладаги чойхоналарда, қабристонга қадам ташлашдан юрагини олдириб қўйганлар бўлди. Ахир, инсон билан сўнгги бор хайрлашиш ва унинг ҳурматини, иззатини сўнгги бор бажо келтириш халқимизнинг энг олижаноб фазилатларидан бири эмасми?! Маҳаллаларда бирон киши вафот этса тамомила бегона одамлар тўпланиб, уни қабристонгача елкаларида кўтариб борадилар. Ёки кўчада тобут кўтариб кетаётган одамларни кўрган йўловчиларнинг бир зум тўхтаб, етти қадам бўлса ҳам марҳумга ҳурмат бажо келтириш учун югуриб бораётганини кўрмаганмисиз? Бунақа одатларимизнинг нимаси ёмон?! Инсон қадр-қиммати олдида бунчалик тавозе билан одоб намунасини кўрсатиш нечун диний сарқит ёки онгсизлик намунаси ҳисобланса? Бундай инсонпарварликни улуғловчи одатларимиз миллий ифтихоримиз эмасми?!

ДИНИЙ тасаввурлар ва расм-русумларнинг оммавийлашиб, миллий турмуш тарзимизнинг ажралмас бир бўлагига айланишига сабаб уларнинг инсон руҳиятига таъсири, хаста кўнгилларга мадад, бесабр бандаларга имон тилаши бинанг ўз азалий ва ижтимоий мавқеи, аҳамиятини тиклаш лозим. Аксарият чойхоналар маҳалланинг тарбия мактаби, ахборот маркази, маслаҳат гўшаси бўлган. Ҳозирча чойхоначиларга текин даромад келтирувчи, ошхўрлик ва майхўрлик маконларига айланиб қолган чойхоналарнинг ҳақиқий ижтимоий ва миллий оромгоҳ сифатини тикламоқ керак.

Маҳаллалар билан боғлиқ яна бир удум ҳақида гапирмоқчиман. Бу кишиларнинг ўз касби, тенгқурлиги ёки маҳалладошлигига қараб «гап» ўйнаш одатидир. Бундай тўпланишлар ҳам ўзига хос миллий намойишнинг бир кўриниши. Фақат у бир ойда ёки икки ҳафтада бирор хонадонда такрорланади. Бундай йиғинларнинг фарқи шундаки, унда давлат сиёсатидан тортиб бозор нарх навоси-ю фарзандлар тарбияси, маҳалла аҳли ҳаётидаги янгилигу мамлакат аҳволи хусусида баҳс, мунозаралар, маслаҳат бўлади. Бу «гап»лар миллий тарбия мактабимизнинг яна бир гўзал шакли сифатида давом этиб келмоқда. Қаерда бу «гап»лар манманлик ёки майхўрлик томон бурилса, одамлар тезда тарқалиб кетишяпти. «Гап»дан мақсад ўзаро фикр алмашув, биродарлик туйғуси, қўни-қўшничилик хосиятини мустаҳкамлаш экан, бундай миллий анъаналар авлоддан-авлодга ўтиб, ўзбекона фазилатларимизнинг ҳаётийлигини кўрсатаверади.

Ажойиб миллий урф-одатларимиз одамларни ҳамжиҳатликка, биродарликка ва самимиятга чорлайди. Шу ўринда миллий ва диний урф-одатлар хусусида бирикки оғиз гап айтишга тўғри келади. Нотўғри мафкуравий сиёсат туфайли кўпгина чин инсоний қадриятларимизга диний тус беришга, уларни ҳаётдан сиқиб чиқаришга роса ҳаракат қилинди. Бироқ бу нарса ҳеч кимнинг қўлидан келмади. Асрлар давомида авлодлар онгида шаклланиб келган одатлар, удумларни бир зарб билан йўқотиб бўлмаслигини айниқса, бу йилги «Наврўз» тантаналари исбот қилди. Динга бўлган муносабатда жуда кўп калтафаҳмликларга йўл қўйилди. Ҳатто «жигари»дан жудо бўлиб, унинг жанозасида иштирок этганлар партиявий жазо олди, ота тобутини елкасига ололмай, қабристонга қадам ташлашдан юрагини олдириб қўйганлар бўлди. Ахир, инсон билан сўнгги бор хайрлашиш ва унинг ҳурматини, иззатини сўнгги бор бажо келтириш халқимизнинг энг олижаноб фазилатларидан бири эмасми?! Маҳаллаларда бирон киши вафот этса тамомила бегона одамлар тўпланиб, уни қабристонгача елкаларида кўтариб борадилар. Ёки кўчада тобут кўтариб кетаётган одамларни кўрган йўловчиларнинг бир зум тўхтаб, етти қадам бўлса ҳам марҳумга ҳурмат бажо келтириш учун югуриб бораётганини кўрмаганмисиз? Бунақа одатларимизнинг нимаси ёмон?! Инсон қадр-қиммати олдида бунчалик тавозе билан одоб намунасини кўрсатиш нечун диний сарқит ёки онгсизлик намунаси ҳисобланса? Бундай инсонпарварликни улуғловчи одатларимиз миллий ифтихоримиз эмасми?!

ДИНИЙ тасаввурлар ва расм-русумларнинг оммавийлашиб, миллий турмуш тарзимизнинг ажралмас бир бўлагига айланишига сабаб уларнинг инсон руҳиятига таъсири, хаста кўнгилларга мадад, бесабр бандаларга имон тилаши билан изоҳланмайдими? Ҳар бир инсон бошига ҳаётнинг энг оғир кулфати — ўлим тушганда унга руҳий мадад, тасалли бериш учун дин аҳлларидан тортиб қўни-қўшниларгача келишади. Диний эътиқод қариндош-уруғчилик, таниш-билишчилик ёки мансаб, шуҳрат танламайди. Халқимиз ҳайит кунлари ёки бегим кунлари қайси дарвозага ўриндиқлар қўйилиб, кўрпача тўшалган бўлса шу хонадон жудо бўлган кимса ҳурматини бажо келтириб ўтишни ўзининг инсоний бурчи деб билади.

Ҳозир диннинг ана шундай тарбиявий аҳамиятини тўғри тушуниб етишга аҳамият берилди, дин аҳлларининг қайта қуриш жабҳаларида одамларни ҳамжиҳатликка, биродарликка, самимият ва покликка ундашлари жамиятимиз томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Диннинг ижтимоий ҳодиса сифатида одамлар тотувлиги, тинчлиги ва одоби учун олиб бораётган илғор фаолиятини қўллаб-қувватлаган ҳолда одамларнинг дунёвий тасаввурлари ҳақкониятини ҳам унутиб қўймаслигимиз лозим.

Мактаб ўқувчиларини пахта теришга жалб этишни қоралаган ҳолда, болаларимизни умуман меҳнатдан узиб қўйганимизни ҳам тан олишимиз керак. Агар ярим асрлик умримизни кўз олдимизга келтирсак, ёшликдаги мол боқиб юрган, даладан даладан ичан, ўтин ташиган, қўлимиздан келганча отаоналаримиз ёнида ер чопган, ўтоқ қилган, ўт ўрган, мева терган, дарахт эккан, ариқларни тозалаш, сув чиқариш билан боғлиқ болалик паллаларимизни энтиқиб эслаймиз. Ҳозир эса ишдан қочадиган, бирор юмуш буюрсанг минг баҳона қиладиган ёшлар кўпайиб бормоқда. Ҳовлиларнинг олдидаги бир кафт ерга санчиб қўйилган уч-тўрт дарахтнинг қуриб ётганини, эрмакка чопиб, кўкатлар гуркиратиб қўйса бўладиган жойларнинг ахлатхонага айланиб қолганини кўриб, таажжубга тушамиз. Нега? Қачондан бўён ер ва элни эъзозлайдиган халқимиз фарзандлари ер ва меҳнатдан бунчалик безиб қолди? Ахир, халқимизнинг тарих саҳифаларини маънавият ёлқини билан нурафшон этган олижаноб фазилати унинг меҳнатсеварлиги эмасми? Бу ҳаётбахш неъмат, ўлкамизни жаннатмакон гўшага айлантирадиган боқий фазилатимиз-ку! Зотан барча гўзаллик, эзгулик ва инсонийлик асосида ҳалол меҳнат, пок ният ва беғубор виждон ётади.

Одамларнинг онгини, руҳиятини, исму-жисмини поклантириш ҳозирги кундаги маънавий фаолиятимизнинг асосини ташкил этмоқда. Бунга сабаблар кўп. Бир ўринда ўтмиш даврлар (шахсга сиғиниш, турғунлик туфайли пайдо бўлган) асоратидан қутилиш кўзда тутилса, иккинчи ўринда инсон табиатида учрайдиган, кези келганда ҳуруж қиладиган қусурлардан қутулиш эҳтиёжи ҳам кучли. Мен ошкоралик ва демократиядан ўзининг ғаразли ниятлари йўлида фойдаланаётган, бировларнинг тинчи ва асабини бузаётган ғаразгўй, иғвогар, туҳматчи, ҳасадгўй ва қасамхўрларни кўзда тутяпман.

Одамлар орасида учраб қоладиган бундай жоҳиллик ва ғаразгўйликдан қанчалик нафратласак, камтарлик ва инсонийликдан шунчалик қувониб кетамиз. Афсуски, камтарликни унутиб қўйиш, ўзини ўзи жамият ва жамоа ўртасида кўз-кўз қилишга уриниш ҳоллари ҳам йўқ эмас.

Шуҳратпарастлик, ваъзхонликни ва сафсатабозликни ўзига касб этиб олган одамлар шаклланиб қолганн маълум бўлмоқда. Булар қаердан пайдо бўлди? Тарбия мактабимизнинг, мафкуравий фаолиятимизнинг қайси жойида, миллий ўзлигимизни англашнинг қайси чорраҳасида хатоларга йўл қўйдик, деган ҳақли саволлар туғилади. Бундай хатоликларнинг умумий ва маҳаллий томонларини идрок этиш даври бошланди. Лекин афсуски, жумҳуриятимиз Компартиясининг XXII съездида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби, Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов ўзининг Сиёсий маърузасида таъкидлганидек, ҳамон **«Маданий-маънавий турмушда** қадрсизликлар рўй бермоқда: омма сиёсатга кўпроқ қизиқиб, унинг фаолияти ошиб бориши билан бирга, жамиятнинг ғоявий ва ахлоқий негизларини бузишга, умуминсоний қоидалар ва миллий қадриятларни менсимасликка уриниш ҳоллари кам эмас».

Миллий муносабатлар, миллий анъаналар ва қадриятлар ривожи шундай бир диалектик тартиботга асосланганки, кимки ўз халқи миллий қадриятини бошқа миллат қадриятларига тескари қўймаган ҳолда ва аксинча, бошқа миллат маънавиятини чуқур ҳис қилиш даражасига ўсиб чиқса ва ўз миллий қадриятини бемалол ва беминнат намойиш этиш имкониятига эга бўлса, миллий муносабатларда дўстона иқтисодий ва маънавий мулоқотдан ўзга ният бўлмаса, ана шунда турли миллатларнинг маънавиятини ифодаловчи умумбашарий қадриятлар ўсиб бораверади.

Ўз тарихини, маънавиятини, қадриятларини ўзи бунёд этувчи халқ, элат ва миллатларга энди шундай имкониятлар яратилмоқдаки, халқимизнинг жаҳон халқларига фахрланиб, нафтихор туйғуси билан кўз-кўз қиладиган фазилатлари қанчалик мўл-кўл бўлса, янги туғилиб, шаклланиб қолган қусурларни бартараф этишга ақли ва заковати шунчалар етарлидир. Буни миллий урф-одатларимиз, ахлоқу одобимиз, чин инсоний неъматларимиз ҳам тақозо этади.

Шундай шароитда «Совет Ўзбекистони» газетасида «Одобнома» рубрикасининг очилиши айни муддаодир. Зотан у кўпчилик муштарийларнинг иштирокида йиллар давомида бу соҳада йиғилиб қолган муаммоларни ҳал этишга кўмак беради, миллий муносабатлар калити бўлган ўзаро инсоний қадриятларни айнрбошлаш, ижодий мулоқот ва ижобий рақобат жараёнига кенг имконият беради. Маънавий жиҳатдан бойишимизга муносиб ҳисса қўшади.

Тилаб МАҲМУДОВ,
фалсафа фанлари доктори.

ХУШХАБАРЛАР

ҲИССА

● Чирчиқдаги автоматика тажриба-конструкторлик бюроси ҳузурида ишлаётган «Аспект» кооперативи мутахассислари тамомила янги газ анализатори яратдилар. Бу ускуна автомобилдан чиқадиган тутун таркибидаги заҳарли моддалар миқдорини аниқлаш имконини беради. Янги ускуна Чирчиқ шаҳар ички ишлар бўлими давлат автомобиль инспекцияси бўлимининг диагностика пунктига ўрнатилади. «Аспект» бу қурилмани текинга етказиб беради. Кооператорлар ўзларининг бу эҳсонларини экология муаммоларини ҳал этишга қўлдан келганча қўшилган ҳисса деб ҳисобламоқдалар.

ҲИММАТ

● «Ташоблгрузтранс» бирлашмасининг 125-автотранспорт корхонаси жамоаси Бўстонлиқ районида сув тошқинидан азият чекканларга ёрдам жамғармасига уч минг сўм ўтказди. Ҳайдовчилар биринчилардан бўлиб қишлоқ меҳнаткашларига ёрдамга келишди. Автомобилчилар оғир шароитларда кунига 16 мартагача қатнаб, табиий офат юз берган жойда ўн икки соатлаб ишладилар.

МОЛИЯ-ҲИСОБ МАРКАЗИ

● «Самарқанд» деҳқончилик комбинати таркибига кирувчи юқори рентабелли бир қанча хўжаликлар жумҳуриятда биринчи молия-ҳисоб марказининг асосчилари бўлишди. Бу марказ банк принциплари асосида ишлайди. Тўпланган маблағлар истиқболи ишларни пул билан таъминлашда, орқада қолаётганларга ёрдам беришга сарфланади. Молия маркази деҳқончилик комбинатига аъзо бўлмаган хўжаликларга ҳам қарз бера бошлади. Тўғри, улар бевосита жамғарма қўювчиларга нисбатан анча кўпроқ процент тўлашлари лозим бўлади.

ИҚТИСОДИЙ САМАРА

● Самарқанд ипакчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида ацетат газламаларнинг хусусиятлари анча яхшиланди. Бу ерда газламаларга ишлов беришда янги составдан фойдаланишаяпти. Бунинг натижасида газламалар антистик хусусиятларига эга бўлади. Янгиликни жорий этиш бир неча минг сўм иқтисодий самара олиш имконини беради.

ИШ ШАРОИТИ ЯХШИЛАНДИ

● Тошкентдаги «Ўзбекистон» чарм-пойабзал ишлаб чиқариш бирлашмасида меҳнат шароити яхшиланди. Бу ерда газ чиқиндиларини каталитик зарарсизлантириш қурилмаси ўрнатилди. Қурилма бундай чиқиндиларни ўн баравардан знёд камайтирди.

(ЎзТАГ).

Сойиб Хўжаев таваллудининг 80 йиллигига

КУЛГУ ДАРҒАСИ

Суратга кўзингиз тушиши билан «Э, бу Тошболта ошиқ-ку!» дедингиз. Беихтиёр ўзингизга бир умр азиз ва қадрдон бўлиб қолган дилкаш «Қура лай кўз, қуралай, туйнугингдан мўралай, сен ялло айтганингда, оҳангига йўрғалай» хиргойисини такрорладингиз. Ролнинг ижрочисини эса «Тошболта» дейишдан бурун билардингиз. Ҳа, шундай. Сиз Тошболта ошиқ деганда фақат Сойиб Хўжаевни, Сойиб Хўжаев деганда Тошболта ошиқни тушунасиз. Ҳолбуки, бу ролни ўнлаб театрларда ўнлаб актёрлар ижро этган. Нега шундай? Бунинг сабабини ҳам яхши биласиз.

ХЎШ, шундай машҳур артист санъат оламига қандай кириб келган, унинг илк устозлари кимлар?

Одамларни кулдириш Сойиб Хўжаевга аслида отамерос. Худойназар новвойнинг шўх ҳангомалари, қизиқчиликлари дўст-биродарларига, қўни-қўшниларига яхшигина маълум эди. Унинг онаси ҳам қизиқчиликка мойил аёллардан бўлиб, тўйларда, Наврўз айёмларида ҳангомалар кўрсатар, сатанг, дангаса отинчаларни ҳажв этарди. Қишлоққа эса аҳён-аҳёнда ризқнасиба ахтариб, қизиқчилар, аскиябозу, қўғирчоқбозлар, созанда-ю, дорбозлар келиб қолишарди. Халқ санъаткорларининг ҳар бир чиқишини ёш Сойибжон қувонч билан кутиб оларди, томоша қиларди. Унда, айниқса, Юсуфжон қизиқ бошчилигидаги санъаткорларнинг томошалари ёркин таассурот қолдирарди. Сойибжон бир куни, Юсуфжон қизиқ группаси кетганидан сўнг улар намойиш этган қизиқчиликларни ўзича қилиб кўрсатди. Шунда кутилмаганда «Хонободлик қизиқчи» деган лақаб орттирди.

У Қўқондаги болалар уйида тарбияланиб юрганида ҳам қизиқчилик сирларини ўрганишда давом этди. Шаҳарга тез-тез Миршоҳид Мироқилов раҳбарлик қилган театр труппаси келиб турарди. Уларнинг деярли ҳар бир спектаклига интернат болалари ҳам таклиф қилинарди. «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Бой ила хизматчи», «Ҳалима», «Аршин мололон» каби спектакларни томоша қиларкан, Сойибжон улардаги характерли ролларга, ҳажв, қизиқчилик саҳналарига алоҳида эътибор берарди.

Бир куни Миршоҳид Мироқиловнинг кўзи истараси иссиқ, кўзлари каттакатта болага тушиб қолди. Устоз қошини чимирса, бояги бола ҳам қошини чимирди, кўзини қисса, у ҳам қисди, бурнини жийирса, у ҳам шундай қилди.